

Ўзбекистон Республикаси  
Андижон вилояти  
Улугнор тумани  
**ҲОКИМИНИНГ  
ҚАРОРИ**



**Р Е Ш Е Н И Е  
Х О К И М А**  
Улугнарского района  
Андижанской области  
Республики Ўзбекистон

170900, Ўзбекистон Республикаси, Андижон  
вилояти, Улугнор тумани, «Оқ олтин» к.  
тел. 2008125, 7611125

170900, Республика  
Ўзбекистон, Андижанская  
область, Улугнарский район, к «АК алтын».  
тел. 2008125, 7611125

**27.01.2020 йил**

**№ 8-к**

**Туман мактабгача таълим бўлими  
тасарруфидаги айрим мактабгача  
таълим ташкилотларига бир йиллик  
тайёрлов гуруҳи очиш тўғрисида**

Туманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарорини ижросини таъминлаш мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти самародорлигини ошириш, уларда мактабгача ёшдаги болалар билан олиб борилаётган коррекция ишларини яхшилаш мақсадида туман мактабгача таълим бўлимининг 2019 йил 18 октябрдаги 285-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Туман мактабгача таълим бўлимининг 2019 йил 18 октябрдаги “Болаларни бошланғич таълимга бир йил мажбурий бепул тайёрлов гуруҳларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 285-сонли хати инобатга олинсин.

2. Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 3,6,11,12,13, 14,16-сон мактабгача таълим ташкилотларида 6 ёшлик болаларни бир йиллик мажбурий бошланғич таълимга 1 тадан, жами 7 та гуруҳ ташкил қилиб тайёрлаш мақсадида қўшимча гуруҳлар очилсин.

3. Туман молия бўлими (Б.Олимов)га.

Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 3,6,11,12,13,14,16-сон мактабгача таълим ташкилотларини амалдаги қонунлар асосида штат бирликлари ва етарли маблағ билан таъминласин.

4. Туман мактабгача таълим бўлими (Н.Пармонова)га.

Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 3,6,11,12,13,14,16-сон мактабгача таълим ташкилотларини Низоми асосида фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, кадрлар масаласини ҳал этиш вазифаси топширилсин.

5. “Улуғнор” рўзномаси муҳарририяти (М.Қодирова)га.  
Қарор матни “Улуғнор” газетаси саҳифасида чоп этиш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор “Улуғнор” газетасида эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 20 декабрдаги 149-ф-сонли “Улуғнор туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги айрим мактабгача таълим ташкилотларига бир йиллик тайёрлов гуруҳи очиш тўғрисида”ги фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Сатторов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Д.Махсудов